

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 150 (6. 041) + 1986 йил 1 июль, сешанба + Баҳос 3 тийин.

Жадаллаштириш ва қайта қуриш йўлидан



КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ-ХАЁТГА!

Маҳсулот етказиб бермоқда

Тошкент мотор заводи қурилиш кезида маҳсулот етказиб беришга киришди. Минск шаҳридаги бош корхонага жўнатиш учун юз от кучига эга бўлган дизелларнинг муҳим узели—ҳаво тозалашчиларнинг тўғичи туркуми тайёрлаб қўйилди. Бундай «Меҳнат тақдироти» иккала томонга ҳам фойдали: Минск машинасозлари қувватларини бир қадар бўшатиб олмақдалар, тошкентликлар эса технология ва ускуналарни синовдан ўтказишмоқда.

Пресс ускунасининг соловчиси Василий Солик икки вазифани бажарадиган 400 тонналик прессиини ишнинг диққат билан кузатиб турибди. Пресс заготовката катта куч билан урмоқда. Бошқарув пультада чироқ ёнади, демак деталь тайёр бўлди. Ҳаво тозалашчиларнинг деталларини тайёрлашнинг «ўтказиш» асосидаги кўрсаткичи бўлиб, кўчирма қўйилган. Бу маҳсулотлар ҳам кооперация асосида бошқа мотор заводларига жўнатилади.

ЭХМ—лойиҳаловчининг ёрдамчиси

«Лойиҳа-смета ишларини такомиллаштириш давом эттирилсин... Лойиҳалашнинг автомат системаси кенгроқ жорий этилсин».

(СССРнинг иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларидан).

Одатдаги чизмачилик тахтасини эслатувчи кенг стол устида унча катта бўлмаган қути ҳаракат қилмоқда. Унинг ортида анқ из қолмоқда. Электрон «чизмачи»нинг «қўли» бир лаҳза ҳам тўхтамайди. Графа тузувчи қурилма ишлайпти, дейди «Узгипротягпром» институти ҳисоб маркасининг бошлиғи Г. Дорфман.—Бу аппарат бизда жорий этилган автомат лойиҳалаш системасининг таркибий қисмларидан биридир.

Электрон-ҳисоб машинаси белгилаган программани мувофиқ ишлаб ҳисоб-китобларни, сметалар тузишни, чизмалар тайёрлаб беришни ўз зиммасига олди. Мутахассисларнинг ҳисоблаб чиқишларида инженер-конструктор иш вақтининг сал-



ВОЛЖСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ ИШЧИЛАРИНИНГ ТАШАББУСИ ҚАНОТ ЁЙМОҚДА

Авиасозлар ҳиммати

Волга автомобиль заводи ишчиларининг ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаган В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчи-хизматчилари ишдан бўш вақтларида ишлаб бериладиган объектларини аниқлаб олдилар. Булар—асосан бирлашманинг ёрдамчи хўжалигига қарашли объектлар бўлиб, чорвачилик бинолари, озиқ-овқат магазини, турар-жой-

корхонанинг тажрибали ходимларидан Юрий Александрович Трофимов етакчилик қилапти. Барча бригадалар аниқ график асосида объектларга бўлиниб, фалон иш олиб боришляпти. Бошқа кўпгина цехларда бўлиб ўтган ишчиларда ҳам коммунислар, ишчи-хизматчилар ўзларининг бўш вақтларида бир неча кун бирлашманинг ёрдамчи хўжалиги объектларида ишлаб бериш ташаббусига яқдлаб билан қўшилдилар.

Тажриба қўл келмоқда

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида коллектив меҳнати салмоғини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган ишчилардан бири Руфина Алёшинадир. Унинг корхонада меҳнат қилиш вақти 20 йил бўлди. Бу йиллар давомида жуда кўп машиналарнинг сирларини ўрганди. Турли операцияларини бажариш қўлимасини ҳосил қилди. Шунинг учун ҳам Р. Алёшина қандай тошпирки берилса бемаъл ўқиди. Унинг унчан машинанинг ҳам, бажарилаётган ишнинг ҳам фарқи йўқ.

Шу кунларда у болаларга мўлжалланган қўйлак ва курткалар, костюмларни тикмоқда. Бу ишларни фақат аёло даражада бажариш билан бирга, вақтдан ўзиб меҳнат қилишга эришипти.

Унинг меҳнат қилиш вақтида ҳозир август ойи ўтиб бормоқда. Пешадама тикувчи Улуг Октябр социалистик революциясининг 69 йиллиги байрами кунига қадар йиллик марраини аталашга аҳд қилди. Коммунистик меҳнат зарбдори Руфина Алёшина мақсад сари дадил одимламоқда.



КПСС XXVII съезди тарихий қарорларини амалга ошириш борасида шахримиздаги барча корхоналар қатори экскаватор заводи коллективи ҳам самарали ишлар қилляпти. Корхона цехлари ва бригадалари ўртасида ўзаро социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилмоқда. Ушбу мусобақада заводининг бош ишчи цехи коллективи қўлиб қилимоқда. Сиз сўратда шу цехнинг пешқадам, синови-механизатори, коммунистик меҳнат зарбдори Александр Замчаловнинг кўриб турибсиз. У ҳамisha смена тошпиркиларини ортиғи билан адо этиб келмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

КОНКУРС ГОЛИБИ

Авиасозлар маданият саройида янги ташкил этилган «Граммофон» дискогруппаси фаолияти кенг йўлга тушиб олди. Истеъдодли ишлар ўз сахналарида бир неча ориги-

нал постановкаларни ҳам муваффақиятли намойиш қилдилар. «Кўш ўз эзингга қайт» деб номланган бадий композиция эса коллективга шухрат

келтирди. Мазкур томоша ўзига хос спектакль сифатида сахналаштирилди. Унга тенгланган мусика хореография мазмунига мос бўлиб, томошабинда завоқшақ уйғотди. Ёшларнинг ер юзиде тинчлик учун курашга бағишланган мазкур постановка аяқинда Тошкентда ўтказилган Халқ ижодийти шаҳар конкурсиде биринчи ўринни олди. Бу

тадбир Улуг Октябр революциясининг шонли 70 йиллигига бағишланган иккинчи Бутуниттifoқ фестивали доирасида ўтказилди.

ларининг «Мираж—5» ҳарбий самолёти кичик туристик самолёт билан тўқнашиб кетди. Оқибатда уч киши ҳалок бўлди ва бир киши жароҳатланди. Ҳарбий учувчи ярадор бўлишга қарамай, катапультла ёрдамда сакраб, парашютда тушишга муваффақ бўлди, гравдан самолётнинг уч пассажирини учиб борётган икки қанотли машина тўқнашув натижасида «юз берган портлашдан ҳалок бўлди. Самолётнинг парчалари темир йўлга ҳамда шаҳарчадаги уй-жой кварталларига тушди. Бахтли тасодиф тўғрисида ҳақиқат аҳолиси зарар кўрмеди. Бироқ, баъзи биноларга моддий зарар етди. Темир йўлда ҳаракат бир неча соат тўхтаб қолди.

Ҳарбий ҳаво кучларининг Флоренна базасидаги ҳарбий самолёт учувчиси машқ учиниш ларини давом эттирётган эди. Ҳалокат сабаблари номаълум. Бунки текшириш учун комиссия тўзилди.

Замондошимиз



— Касбим оддий. Тикувчиман. Беш йилдан бери шахримиздаги «Қизил тоғ» фабрикасида ишлайман. Ҳаммаси шу, — дейди Дилора Каримова биз билан суҳбатда.

Чиндан ҳам бошқа яна нима дейиш мумкин! Кўпчилик бу саволга албатта ҳеч нарса деб жавоб бериши табиий. Масалага юзани қараганда шундай. Аслидан... Кўп нарса дейиш мумкин. Ахир беш йил озмунча муддатми! Беш йил туғул бир кун ёки бир ойин олинг. Шу қисқа давр ичида кишиларимиз қанча-қанча мўъжизалар яратишди. Неча-неча жумбоқларини ҳал этишди. Ахир кечатгина тақир даладан иборат даштада бутун-бутун шаҳар, посёлкалар бунёд этилаётганининг ўзини жонли гувоҳи бўлиб турибмизку.

Беш йил айтишга осон. Бу муддат ичида Дилора ҳам ҳамшаҳарларимизга озмунча кийим тикиб бермади. Қанча дилларини шод этмади... Эҳ-е уларни санаб адоғига етиб бўлармиди.

— Бунчалигини ўзим ҳам билмаган эканман, — деди Дилора кўлиб.

Ҳамisha шундай. Уйдан эрта кетиб, кеч қайтамиз. Сўраганларга эса «ишга шошялман», «ишдан қайтмаман» дейверамиз. Бироқ мана шу оддий бориб-келишимизда қанча иш бажарганимизни ҳисоб-китоб қилиб кўриш ҳаммиша ҳам ҳаёлимизга келавермайди. Бир кунда эл фаровонлигига қанча ҳисса қўшганимизни ҳеч чамалаб кўрмаймиз.

Тошкентдан денгиз-қўллар, денгизлардан океанлар пайдо бўлгангиде бизнинг ўша кам, тарона меҳнатимиз улканлар меҳнатига қўшилиб мислсиз бойликлар яратад. Ана шу 30-йилликда «Қизил тоғ» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористкаси, коммунистик меҳнат зарбдори Дилора Каримова ҳам муносиб улushi бор.

СУРАТДА: комсомолец аъзоси Дилора Каримова.

Э. Зоҳидов фотоси.

Тонгги газеталарда

● Кеча Варшавада Польша Бирлашган ишчи партиясининг X съездида КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Тонгги газеталарда ўртоқ М. С. Горбачевнинг нутқи ва ЛИБИП X съезди ҳақида ҳисобот эълон қилинган.

● Совет Иттифоқи Маршали С. Л. Соколовнинг Ленин ордени билан мукофотланган тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони берилган.

М. С. ГОРБАЧЕВнинг китоби

испан тилида

МАДРИД (ТАСС). Испаниянинг энг катта нашриёт-корхонаси «Пласа и жанес» «Эдиторес» нашриёти «Испания» китобида М. С. Горбачевнинг китоби испан тилида босилган чикади. Китобта КПСС Марказий Комитетининг Совет Итти-

Кадрларнинг янги отряди

Республикамиздаги кадрлар ўқоқларидан бири ҳисобланган Тошкент алоқа политехника техникуми бу йил ҳам қўллаб ёш мутахассисларни муштафий меҳнат қўчоғига йўллади. Битирувчи ёшлардан 40 дан ортиқ киши диплом олиш сифатида алоқанинг муҳим тармоқлари бўйича лойиҳалар яратиш устида яқинда ишлайди.

Яқинда уларнинг самарали ижодий ишга якун ясади. Алоқа иншоотларининг йўл кўрсаткичи бўлиб тайёрланган лойиҳалар эса юқори баҳо олди. Иқтидорли ўқувчилар фаолияти диплом ишлари ҳимоси вақтида техникум раҳбарлари ва етув мутахассислар таҳсинига сазовор бўлди.

Кадрларнинг бу янги отрядига республикамизнинг деярли барча областларида ишлаш учун йўлланма берилди.

Тадқиқотчи студентлар

Толаларни тозалаш агрегатлари иш унумдорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни илмий-амалий жиҳатдан муваффақиятли ҳал этиш мақсадида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти кафедраларида самарали тадқиқотлар олиб боришмоқда. Бундай ишларнинг амалга оширишда ижодкор студентларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

Олий ўқув юртининг студентлар конструкторлик бюросининг аъзоси М. Чанишев таомондан толаларни тозалаш машиналари деталлари бўйича ишлаб чиққан тавсияси мутахассислар эътиборини тезда ўзига тортиди. У студентларнинг энг яхши ижодий изланишларидан бири сифатида Бутуниттifoқ кўрик-конкурсига тақдим этилди ҳамда ижобий баҳоланди.

Механика факультети студенти А. Рафуровнинг мустанил равишда тайёрлаган прибор ишларининг чиғаланиш қилишининг олдини олишда қўл келди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАҲМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЯШАётган Кўп БОЛАЛИ ОНАЛАРГА

«КАХРАМОН ОНА» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўи ва ундан кўп бола туғиб тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» унвони берилсин ҳамда уларга «Қаҳрамон она» ордени тошпиркилсин.

Тошкент шаҳри бўйича 1. Қосимова Муаттар — уй бекаси, Чилонзор райони.

2. Матинёзова Хабиба — уй бекаси, Октябрь райони.

3. Солижонова Насиба — ишчи, Қамма райони.

СССР Олий Совети Президиумининг Равис А. ГРОМИКО. СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАВИЛИ. Москва, Кремль. 1986 йил, 26 июнь.



ТАСС ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● СОФИЯ. Болгария пойтахтининг шифохоналари бу ерда кунланган соғлиқни сақлаш соҳасидаги совет илгор тажрибаси кунларининг марказига айланди. Совет мутахассислари ва врачлари Софидаги касбдошлар кузурда 30 дан ортиқ лекция ўйиб, доклад қилдилар, бевосита иш жойларида — беморларнинг селоматлиғи тикланилган жойда шифокорлик фаолиятининг методлари ва мулоқазлари баҳам кўрилди. Совет соғлиқни сақлаш соҳасидаги илгор тажриба кунлари доирада ўтказилган

ихтисослаштирилган техника кўргазмаси София жамоатчилигини СССРда яратилган медицина электр апарати ларининг энг янги намуналари билан таништирди.

● ПРАГА. Бугун Чехословакиядаги Странцица шаҳрида очилган Халқаро фольклор фестивалида турли мамлакатлар халқ кўшиклари ва рақслари ижроқиларининг ёрқин санъати билан танишмиш мумкин. 41-мартга ўтказилган анъанавий кўрмича олти мамлакатдан, жумладан Совет Иттифоқидан 70 та халқ ашула ва рақс ансамбли келди. Странцица фестивалининг асосий максоди— ҳозирги томошабинларга фольклорнинг бой анъаналарини таништиришдан, халқ ижодийтининг хилма-хил

лигини кўрсатиб беришдан иборат.

● ЛИССАБОН. Португалия пойтахти кўчаларида пассажир автобуслари ҳаракати тўхтаб қолди. Халқовчилар забастовка қилиб, маъмуриятдан иш ҳақини оширишни ва меҳнат шартонларини яхшилашни талаб қилдилар. Янги пайда ҳукуматининг норентабел деган баҳона билан ишхасозлик корхоналарининг кўпчилигига берилиб қўйиш ниятига қарши норозилик билдираётган ана шу тармоқ ходимлари ҳам ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқдалар. Шихасозлик саноати ишчилари касбаби союзи бош ишчиси А. Кавакү Силвага мактуб йўллади. Унда корхона эгаларининг меҳнаткашлар демократик ютуқларига қарши ҳуружига курашнинг давом эти-

риш қатъий таъкидланди.

● ЖАЗОИР. Келгуси йил январдан бошлаб Жазоирда «Арабсат» алоқа йўлидан орқа радио ва телевизион янгиликларини ҳамда программаларини алмашадиган араблараро марказ ишлай бошляпти. Шу ҳақда Жазоир билан араб радио ва телевидениеси ташиқлотини ўртасида бу ерда битим имзоланди. Пойтахтининг Бузала районига жойлашадиган янги марказ ҳам араб мамлакатлари орасида, ҳам халқаро ташиқлотлар канали орқали радио ва телешиқтиришларини танлаш ва тарқатиш билан шуғулланади.

● БРЮССЕЛЬ. Бельгиядаги Визе шаҳарчаси (Льеж яқинида) осмонда фалокат юз берди. Бельгия ҳарбий ҳаво куч-



«Nicht Blenden- Rechte fordern wir!»

ГФР. «Бизга гуллар эмас, ҳуқуқ керак!» — Боннда бўлиб ўтган намоийшга чиққан ГФРнинг германиялик хотин-қизлар кўтариб олган шорлардан бирига ана шундай сўзлар битилган. Бу намоийшда 3000 га яқин хотин-қизлар иштирок этиб, эркаклар билан тенг ҳуқуқ бўлишни, меҳнат қилиш ҳуқуқини талаб этиб чиқдилар. Улар ер юзиде тинчлик бўлиши ва ядровий қуролланшини тўхтатиш истагини билдирмоқдалар.

АПН—ТАСС фотоси.

Й Ё Л Й Ё К!

Н. Акимов фотос
ТАСС мухбирлари

